



**15-16 APREL
2022**

**TOSHKENT
O‘ZBEKISTON**

**“GEOGRAFIK TADQIQOTLAR: INNOVATSION G‘OYALAR
VA RIVOJLANISH ISTIQBOLLARI”**

XALQARO ILMIY-AMALIY KONFERENSIYA



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIIY VA O‘RTA MAXSUS TA‘LIM
VAZIRLIGI
MIRZO ULUG‘BEK NOMIDAGI O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI**

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI
G.O. MAVLONOV NOMIDAGI SEYSMOLOGIYA INSTITUTI**

O‘ZBEKISTON GEOGRAFIYA JAMIYATI

**“TADQIQOT.UZ”
XALQARO ILMIIY JURNALLAR PORTALI**

**GEOGRAFIK TADQIQOTLAR:
INNOVATSION G‘OYALAR VA RIVOJLANISH
ISTIQBOLLARI**

**II
XALQARO ILMIIY-AMALIIY KONFERENSIYA
MATERIALLARI**

TO‘PLAMI

Toshkent - 2023

Geografik tadqiqotlar: innovatsion g‘oyalar va rivojlanish istiqbollari:
II Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari to‘plam (15–16-aprel, 2022-yil, Toshkent). –Toshkent.: TADQIQOT.UZ, 2023. – 847 bet.



<http://doi.org/10.5281/zenodo.4751426>

To‘plamda keltirilgan ilmiy tadqiqot ishlari natijalaridan tabiiy geografiya, atrof-muhitni muhofaza qilish va tabiiy resurslardan oqilona foydalanish, iqtisodiy va ijtimoiy geografiya, xorijiy mamlakatlar iqtisodiyoti va mamlakatshunoslik, tashqi iqtisodiy faoliyat, turizm, gidrologiya, gidrometeorologiya, geologiya, geodeziya, kartografiya hamda geoinformatika sohalaridagi mutaxassislar, ilmiy xodimlar, mustaqil izlanuvchilar, doktorantlar, magistratura va bakalavriat talabalari, umumiy o‘rta ta’lim maktablari, o‘rta maxsus, kasb-hunar ta’limi muassasalari o‘qituvchilari hamda geografiya faniga qiziquvchilar foydalanishlari mumkin.

Tahrir kengashi:

g.f.d., professor Hikmatov F.H.
g.f.d., katta ilmiy xodim Rafiqov V.A.
g.f.n., dotsent Sharipov Sh.M.

Kengash a‘zolari:

g.f.n., dotsent Tashtayeva S.K.
g.f.n., dotsent Shomurodova N.T.
PhD, dotsent Shomurodova Sh.G‘.
PhD, dotsent Prenov Sh.M.
PhD, dotsent Raxmonov D.N.
PhD, dotsent Raxmonov K.R.
PhD, dotsent Umirzoqov G‘.O‘.

Mas’ul muharrir:

Ibragimov Sh.U.

©Mualliflar jamoasi

©tadqiqot.uz

ЖИНОЯТЧИЛИКНИ ГЕОГРАФИК ЖИҲАТДАН ЎРГАНИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Махмудов Баҳодир Хакимжон ўғли

таянч докторант

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

e-mail: bahodir.mahmudov.95@mail.ru

Аннотация: Ушбу тезис социал географияда янги шаклланаётган йўналиш – жиноятчилик географиясининг объекти, предмети, мақсад ва вазифалари, фанлар тизимида тутган ўрни ҳақида муаллиф томонидан олиб борилган изланишларни ўзида жамлаган. Шунингдек, соҳа бўйича етакчи олимларнинг таърифлари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: жиноятчилик, социал география, геокриминология, геокриминологик тадқиқотлар, криминология, социал ҳодиса.

THEORETICAL FOUNDATIONS OF THE GEOGRAPHICAL STUDY OF CRIME

Mahmudov Bahodir

Abstract: This thesis includes the research conducted by the author on the object, subject, purpose, tasks, place in the system of sciences of the emerging direction of criminal geography in criminal geography. Tariffs of leading scientists in the field were also analyzed.

Key words: crime, social geography, geocriminology, geocriminological research, criminology, social phenomenon.

Жиноятчилик – жамият ҳаётидаги ўта салбий социал ҳодисалардан биридир. Бу ҳодиса жамиятнинг барча жабҳаларига таъсир қилади, инсоннинг турмуш тарзида из қолдиради, инсоннинг ҳаёти, соғлиғи, моддий фаровонлиги бевосита у билан боғлиқдир. Ҳозирги вақтда жиноятчилик жаҳон урушлари ва юзага келиши мумкин бўлган глобал офатлар билан бир қаторда инсоният учун асосий таҳдидга айланган. Бу албатта жиноятчиликнинг жадал ривожланиши билан боғлиқ. Маълумки, бундан деярли юз йиллар аввал жиноятчиликнинг ўсиш суръати аҳоли сонининг ўсиш суръатларидан анча юқори эканлиги аниқланган. БМТнинг тўртинчи шарҳи маълумотларига кўра, жиноятчилик йилига ўртача 5 фоизга, аҳоли сони эса 1-1,2 фоизга ошади [1, 263-б].

Мамлакатимизда криминоген вазиятнинг кескинлашуви (айниқса, пандемия шароитида), жиноятчиликнинг янги турларининг жадал

ривожланиши, жиноий ҳаракатлар географиясининг ўзгариши геокриминалогик тадқиқотларни тақозо этади. Фикримизча, айнан жиноятчиликнинг ҳудудий хусусиятлари, айрим ҳудудларда жиноятчилик даражаси ва турларининг сезиларли даражада фарқларини тадқиқ этиш, жиноятчиликка таъсир этувчи шароит ҳамда омилларни ўрганиш зарурияти жиноятчилик географиясининг (геокриминалогия) вужудга келишига сабаб бўлган. Ушбу соҳага оид тадқиқотларни ташкил этишда, аввало, унинг методологик асосларни аниқлаб олиш, тадқиқот йўналишининг асосий калит тушунчалари: объекти, предмети, мақсад ва вазифалари, усул ва ёндашувлари, унинг бошқа тадқиқотлар орасида тутган ўрнини аниқ белгилаб олиш зарур. Дастлабки эътибор қаратилиши керак бўлган тушунча тадқиқотнинг объекти ва предмети ҳисобланади. Профессор А.Солиев фикрича, объект бу ерда кенг камровли тушунча, серқирра борлик, ҳодиса ва воқеалар бўлиб, у биргина фан учун эмас, балки кўпгина фанлар бирикмасига хизмат қилади. Предмет эса шу объектнинг қайси қисмини (жиҳатини) ўрганилишини англатади [2, 5-6]. Объектнинг қолган жиҳатлари бу тадқиқотда иккинчи даражали ёки унинг мавжудлиги шарти сифатида қаралади. Демак, жиноят нафақат криминалогия, балки социология, психология, социал география каби фанларнинг ҳам тадқиқот объекти бўлиши мумкин. Аммо, уларнинг ҳар бири объектнинг ўзига хос томонини, ўз нуқтаи назаридан ўрганади. Масалан, жиноят содир этилиши ва унинг сабаблари, жиноятчиликни олдини олувчи воситалар ҳамда жиноят содир этган кишиларнинг шахсини криминалогия фани ўрганса, жиноятнинг турли ҳудудларда содир этилиши, ҳудудий жиҳатлари, жиноятчиликка таъсир этувчи шарт-шароитлар ва омиллар жиноятчилик географиясига (ЖГ) тааллуқлидир. ЖГнинг тадқиқот объекти маълум бир ҳудудда мавжуд бўлган жиноятлар мажмуаси – жиноятчилик*, предмети эса – жиноятчиликнинг ҳудудий таркиби ва тузилиши, унга таъсир қилувчи омил ва шароитларни таҳлил қилиш, геокриминоген вазиятнинг шаклланиши ҳамда ривожланиши қонуниятларини аниқлашдан иборатдир. Асосий мақсади эса жиноятчилик турларининг қаерда, қачон ва нима учун айнан шу жойда содир бўлаётганини ўрганиш билан тавсифланади. Маълум бир ҳудудда жиноятчиликни тадрижий ривожланиши, уларнинг сонини кўпайишига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш, профилактик чораларни ишлаб чиқиш жамиятнинг ижобий ўзгаришларга эришиши учун муҳим саналади. Юқоридаги фикрларни умумлаштирган ҳолда, ЖГнинг асосий вазифалари қаторига қуйидагилар киради:

* Жиноятчилик – маълум бир давлатда (минтақада) муайян давр мобайнида содир этилган барча жиноятларнинг мажмуи. Манба: <http://old.xushnubek.uz/zhinoyatchilik/>

- худуддаги жиноятчиликларнинг асосий хусусиятларини (ҳолати, таркиби, динамикаси, тафовутлари ва ҳ.к) тадқиқ қилиш;
- жиноятчилик ва унга таъсир этувчи омиллар (иқтисодий, ижтимоий, демографик, геоэкологик ва ҳ.к) ўртасида муносабатларни ўрганиш;
- жиноятчиликнинг географик тарқалиши ва жиний хатти-ҳаракатларнинг асосий йўналишларини аниқлаш;
- геокриминоген вазияти оғир худудларни (жиноятчилик “ўчоқ”лари) тадқиқ қилиш, гуруҳлаштириш, хариталар тузиш ва жиноятчиликни камайтириш учун таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;
- йирик масштабли илмий тадқиқотлар олиб бориш, тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқни кучайтириш.

Ҳозирги вақтда ЖГни тадқиқот йўналиши сифатида асосланишида унинг тўғри ва ўзига хос таърифини аниқлаш асосий масалалардан бири ҳисобланади. Шу ўринда биз ушбу соҳа бўйича йирик тадқиқотлар олиб борган олимларнинг ишларига тўхталмаслигимизни иложи йўқ. Илмий адабиётлар таҳлили кўрсатишича, ХХ асрнинг 80 йилларида асосан немис адабиётларида дастлабки, ЖГнинг таърифи мавжуд (1-жадвал).

1-жадвал

Жиноятчилик географиясининг таърифини берган олимлар

№	Олимлар	Таъриф
1	А.Мерген	Жиноятчилик географияси – дунёда, дунёнинг турли қисмларида, штатларда, йирик ва порт шаҳарларда, қишлоқ жойларда содир бўлган ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг (жиноят содир бўлган жойлари, жиноятчиларнинг яшаш жойлари) худудий ва даврий тақсимланиши муаммолари билан шуғулланадиган фан [3, 289-б].
2	Г.Й.Шнайдер	ЖГ дунёда алоҳида олинган давлатлар ҳамда унинг маъмурий-худудий бирликларида жиноятчиликни худудий ва даврий тақсимланиши муаммолари билан шуғулланадиган криминологиянинг мустақил тадқиқот йўналиши [4, 202-б].
3	А.С.Шоткинов	Жиноятчилик географияси – мамлакатнинг иқтисодий, ижтимоий, маданий, демографик, сиёсий ва табиий хусусиятларини жиноятчилик ҳолати, таркиби ва динамикасига таъсирини ўрганувчи криминология фанининг мустақил тадқиқот йўналиши [5].
4	В.В.Лунеев	Жиноятчилик географияси – дунёнинг турли минтақалари, мамлакат ва маъмурий-худудий бирликлари аҳолиси таркиби ва жойлашиши, инсонларнинг урф-одати, уларнинг меҳнати, дам олиш шароитлари, маданияти, миллий анъаналари ва бошқа омилларини жиноятчиликнинг худудий ва даврий тақсимланишига таъсирини ўрганади [6, 24-б].
5	И.Исмаилов, Қ.Р.Абдурасулова И.Ю.Фазилов	Жиноятчилик географияси деганда маълум даврда мамлакат худудида содир этилган жиноятлар ёки уларни содир этган шахслар микдорининг мамлакатнинг маъмурий-худудий бирликлари бўйича тақсимланиши тушунилади [7, 68-б].

6	А.Д.Бадов	Жиноятчилик географияси – турли таксономик даражали ҳудудий тизимлар доирасида жиноятнинг ҳудудий табақаланиши ҳамда географик шароитлар ўртасидаги ўзаро алоқадорликлари ва хусусиятларини ўрганувчи фан [8, 7-б].
7	К.Ю.Сикач	Жиноятчилик географияси – жиноятчиликни ҳудудий таркиби ва уларнинг географик омиллар ҳамда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси билан боғлиқлигини турли таксономик даражали ҳудудий тизимлар доирасида ўрганувчи фан [9, 41-б].
8	А.С.Солиев, Э.Рахматов ва А.А.Қаюмов	Жиноятчилик географияси – социал географиянинг муҳим бир қисми сифатида турли мамлакат ёки минтақаларда содир этилаётган жиноятларга таъсир этувчи шарт-шароит ва омилларни ҳамда геокриминоген вазиятни ўрганади [10, 117-б], [11, 295-б].

Юқорида келтирилган таърифлар камчиликлардан ҳоли эмас. Жумладан, А.Мерген, Г.Й.Шнайдер, А.С.Шоткинов таърифларида жиноятчилик географияси криминология фанининг тадқиқот йўналиши сифатида белгиланади. Бу эса ЖГни фақат криминология орқали аниқлашнинг ўзи янги илмий йўналиш имкониятларини сезиларли даражада қашшоқлаштиради, тадқиқот предметини торайтиради. Иккинчидан, геокриминоген вазият каби муҳим омил эътибордан четда қолган. И.Исмаилов, Қ.Абдурасулова, И.Ю.Фазилов эса ЖГни жиноятчиликнинг асосий миқдор ва сифат кўрсаткичи сифатида эътироф этади [7, 63-б].

В.В.Лунеев фикрича, ЖГнинг фанлар тизимида жойлашган ўрни ижтимоий ва иқтисодий география ҳамда криминология фанлари туташган жойга тўғри келади. А.Д.Бадов, К.Ю.Сикач, А.С.Солиев, Э.Рахматов ва А.А.Қаюмов эса жиноятчилик географиясини социал география доирасида тадқиқ қилинишини ёқлаб чиқишган. Жиноятчилик географиясининг интеграцион салоҳияти анча кучли бўлиб, ушбу соҳада тадқиқот олиб боришда тадқиқотчи ҳуқуқшунослик, демография, социология, психология каби фанларни ҳам ўз тадқиқот доирасида билиши талаб этилади.

Бизнингча, жиноятчилик географияси (геокриминология) – ҳудудларнинг жиноятчилик ҳолатига таъсир этувчи шарт-шароит ва омиллар ҳамда геокриминоген вазиятни ўрганади. Келтирилган таъриф мутлоқ аниқликка даъво қилмасда, жиноятчиликни ҳудудий жабҳаларини қамраб олган ҳолда, унга географик омиллар (иқтисодий-географик, ижтимоий-географик, геоэкологик, геодемографик ва х.к) таъсирини ўзида ифодалаган. Ҳозирги кунда жамиятнинг тез ривожланиши, соҳа бўйича олиб борилаётган йирик тадқиқотлар жиноятчилик географиясига ҳам таъсир қилмай қолмайди. Унга янги мақсад ва вазифаларни юклаши, таърифида ўзгариш бўлиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Лунеев В.В. Особенности современной преступности в России / /Куда пришла Россия? Итоги социальной трансформации / Под общей редакцией. Т.И.Заславской. М.:МВШСЭН, 2003. С. 263-271.
<http://www.demoscope.ru/weekly/2004/0143/analit03.php>
2. Солиев А. Иқтисодий география: назария, методика ва амалиёт (танланган асарлар). Монография. –Тошкент. “Камалак”. 2013. 184 б.
3. Mergen Armand. Die Kriminologie.Eine systematische Darstellung. München: “Vahlen”. 1978, 453.
4. Шнайдер Г.Й. Криминология / Г.Й. Шнайдер (пер.с нем. Ю.А.Неподаева); под ред. Л. О. Иванова. — М.: Изд. группа «Прогресс», 1994.— 504 с.
5. Шоткинов С.А. География преступности: к вопросу о понятии, предмете, методе. [Электронный ресурс] / С.А. Шоткинов. — 2001. – Режим доступа: <http://www.traktat.ru/tr/referats/id.10015.html>
6. Лунеев В.В. География организованной преступности и коррупции в России (1997-1999гг.) //Государство и право. 2000. №11. С.23-34
7. Исмаилов И., Абдурасулова Қ., Фазилов И. Криминология. Дарслик. –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2015. -272 б.
8. Бадов А.Д. География преступности в России в постсоветский период: дис. д-ра геогр. наук: 25.00.24/ – Краснодар, 2009. – 496 с.
9. Сикач К.Ю. Географические факторы динамики преступности на Украине в 1990-2012 гг.: дис. кон. геогр. наук: 25.00.24/ – Симферополь, 2016. – 213с.
10. Солиев А, Рахматов Э. Жиноятчилик географиясининг долзарб масалалари (Тошкент вилояти мисолида). Ўзбекистон география жамияти ахбороти. 20-жилд.-Т., 1999-й. 117-120 б.
11. Қаюмов А.А. Социал география тизимида жиноятчилик географияси. //Ҳозирги замон географияси: назария ва амалиёт. Халқаро илмий—амалий конференция материаллари. -Т., 2006. 30-31 январь. 294 – 296 бетлар.